



МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 апрель куни “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг иккинчи учрашуви доирасида мамлакатимизга келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Қатар Давлати Бош вазири, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегация, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархон Ол Сауд, Ўмон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Ҳамад ал-Бусайдий бошчилигидаги делегация, Кувейт Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё бошчилигидаги делегация, Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Абдуллатиф бин Рашид ал-Заяний бошчилигидаги делегация, Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жасим бин Муҳаммад ал-Будайвийни қабул қилди.



Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов суҳбат аввалида давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов

Ўзаро товар айирбошлаш ўсаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. “Шовот — Тошовуз” савдо зонаси ташкил этилмоқда. Саноат кооперацияси, энергетика, транспорт ва

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида кўп қиррали шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



транспорт-коммуникация соҳаларида янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари сиёсий мулоқот жадал тус олгани, ўзаро савдо ва инвести-

ватлашнинг самарали механизмларини тезроқ яратиш муҳимлиги қайд этилди. Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.



ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг саломини ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва чуқурлашган стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга мўллик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.



Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокчида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Мадааний-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда. Октябр ойида Ўзбекистонда Қатар маданияти ҳафталиги бўлиб ўтади.

Кўшма инвестиция лойиҳаларини илгарисири, уларни молиявий қўллаб-қув-

ватлашнинг самарали механизмларини тезроқ яратиш муҳимлиги қайд этилди. Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК ПЛАТФОРМАСИ

Тошкентда “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Баҳрайн, Қатар, Кувейт, БАА, Ўмон ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлари иштирок этди.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри, Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари халқлари ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқалар, маданий алмашинувлар ва бугунги кунда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга асослан-

ган минтақаларо боғлиқликнинг янги форматига амалий суръат бағишлайдиган манзилга айланмоқда.

— “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди, — деди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов. — Мулоқот форматининг Марказий Осиёдаги илк давраси Ўзбекистон

заминида бўлиб ўтаётгани, икки стратегик муҳим минтақа — Марказий Осиё ва Кўрфаз ўртасидаги шерикликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳамжиҳатлигимиз ва қатъиятимизнинг яққол тасдиғидир. Бу, энг аввало, ҳамкорлигимизнинг кун тартибини муҳокама қилиш, 2023 йил Жидда шаҳрида бўлиб ўтган биринчи саммитда эришилган келишувларни бир-галликда амалга ошириш, халқаро ва минтақавий долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имкониятдир.

► Давоми 2-бетда

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

ёхуд ёшлар сиёсати соҳасида шиддат билан ривожланаётган мамлакат

Юртимизда бундан бир асрдан кўпроқ вақт аввал асос солинган жадидчилик ҳаракати моҳиятига эътибор қаратсақ, улғу аждодларимиз хурлик ва тараққиётни илм-маърифатнинг, таълим-тарбиянинг замирида кўрганани англаймиз. Мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий “Туркистон болаларини илмсиз қўйманг, озодлик йўлини кўрсатинг”, деб хитоб қилганида айна шу мақсадни назарда тутди. Бугун ҳам янги Ўзбекистонни бунёд этишда ёшлар масаласига, уларнинг таълим-тарбияси ва истикболига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

► Давоми 3-бетда





МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бошланиши 1-бетда

“Яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, IT ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари бошланган.

Бўлажак тadbирлар, шу жумладан, 2025 йилда ўтказиладиган “Марказий Осие — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқотининг иккинчи саммитига пухта тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, минтақавий кун тартибидаги бошқа масалалар, хусусан, Афғонистондаги вазият ва Фаластин муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўмон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Ҳамад ал-Бусайдий давлатимиз раҳбарига Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саиднинг самимий саломини ва тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги салоҳиятни самарали рўёбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган қўшма инвестиция компаниясининг лойиҳалар портфелини кенгайтириш муҳим экани қайд этилди.

Банк соҳасини ривожлантириш, рақамли технологиялар, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим каби устувор йўналишларда янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш таклиф қилинди.

Ўзаро мулоқотларни ва ҳамкорликнинг институционал механизмларини фаоллаштириш — сиёсий маслаҳатлашувлар, Ҳукуматларо комиссия йиғилишлари, бизнес-форумлари ва кўргазмаларни мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Минтақавий, шу жумладан, 2011 йилги Ашхобод келишувлари доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Кувайт Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё Ўзбекистон етакчисига

Кувайт Амири шайх Мишғал ас-Сабоҳнинг самимий саломини ва тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий, молия-инвестициявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро ташрифларни фаоллаштириш, маданий ва туризм алмашинувларига оид дастурларни амалга ошириш, етакчи компаниялар иштирокида, шу жумладан, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт фонди билан яқин ҳамкорлик доирасида ҳамда Кувайт инвестиция агентлиги билан самарали шерикликни йўлга қўйиш орқали устувор тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини илгари суриш зарурлиги қайд этилди.

Яқин фурсатда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар, қўшма Ҳукуматларо комиссиянинг биринчи йиғилиши ва бизнес-форумини ўтказиш муҳим экани таъкидланди.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Абдуллатиф бин Рашид ал-Зайно давлатимиз раҳбарига Подшоҳ Ҳамад бин Исо Ал-Халифанинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий мулоқотни фаоллаштириш ҳамда сиёсий маслаҳатлашувлар механизмининг тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, банк-молия, автомобиль ва темир йўллари қурилиши, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва бошқа устувор йўналишлардаги дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун катта салоҳият ва кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Шу мақсадда жорий йилда қўшма Ҳукуматларо қўмитанинг илк йиғилишини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ва Баҳрайн етакчи компаниялари вакиллари иштирокида Ишбилармонлар кенгашини таъсис этиш режалаштирилган.

Халқаро кун тартиби, шу жумладан, хавфсизликка замонавий таҳдидларга қарши курашиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси Баҳрайн ташқи ишлар вазири кутлуг ёши билан муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ ва катта муваффақиятлар тилади.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум, вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва Абу-Даби амирлиги Валнаҳди Шайх Ҳолид Ол Наҳаённинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Устувор йўналишлардаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Амирликлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бутунги юксак даражаси катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамда барқарор ошиб бормоқда. Ўзбекистонда Амирликлар сармоysi иштирокида 300 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошган.

“Яшил” энергетика, металлургия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация каби тармоқларда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Трансафғон темир йўлининг техник лойиҳасини тайёрлаш ва қурилишини бошлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломини ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали

ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ҳамда ҳамкорликнинг 10 та янги йўналиши бўйича истиқболли лойиҳалар портфелини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага чиққани, амалий мазмун билан бойигани мамнуният ила қайд этилди.

Ўтган йилда товар айирбошлаш 27 фоизга ошди. Автомобилсозлик, электротехника, энергетика, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қўшма инвестиция фонди ўз фаолиятини бошлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жасим бин Муҳаммад ал-Будайвий билан учрашувда Ўзбекистон ва Кенгаши ўртасидаги конструктив мулоқотни янада ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари минтақалар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бутунги суръатидан мамнуниятини билдирди ҳамда Тошкент шаҳрида ўтган ташқи ишлар вазири иккинчи учрашувининг самарали яқунларини юқори баҳолади. Ўтган йили Жидда шаҳрида ўтган Марказий Осие мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари биринчи саммитида эришилган келишувлар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон томонидан инвестиция, савдо, юқори технологиялар, туризм ва бошқа йўналишларда илгари сурилган ташаббус ва таклифларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтадиган иккинчи саммит кун тартибини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

ЎЗА

ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК ПЛАТФОРМАСИ

Бошланиши 1-бетда

Учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш, хавфсизлик, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш йўналишларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— “Марказий Осие ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазириларнинг иккинчи учрашувини ўтказишдан мақсад келгуси йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осие — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидидаги иккинчи олий даражадаги саммитга тайёргарлик кўришдан иборат, — деди Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жасим бин Муҳаммад ал-Будайвий. — Яъни бўлажак йиғилиш яна бир муваффақиятли саммитга пойдевор қўйиш вазифасини ўтамоқда. Яна бир муҳим жиҳати, Кўрфаз араб мамлакатлари Марказий Осие давлатлари билан ўзаро яхши муносабатда эканлигидир.

Тошкент учрашуви, шубҳасиз, томонлар бир-бирининг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш йўлидаги навбатдаги қадам бўлиб, жадал ривожланаётган икки минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро тушуниш, ишончли мулоқот ва тенг ҳуқуқли шериклик платформасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Вазирлар долзарб халқаро ва минтақавий масалалар, хусусан, Афғонистон, Яқин Шарқдаги вазият ва бошқа бир қатор мавзулар бўйича ҳам атрофида фикр алмашилди.

Йиғилиш якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди ва оммавий ахборот воситалари учун брифинг ташкил этилди.

ЎЗА

Биз ва дунё

“GSP+” ТИЗИМИГА АЪЗОЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ МУДДАТГА УЗАЙТИРИЛИШИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИДИР

Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси худудий директори, Марказий Осие давлатлари бўйича эксперт Эдуард Кинсбрүннер Ўзбекистон Европа Иттифоқининг “GSP+” дастурига қўшилганига уч йил тўлиши муносабати билан “Дунё” АА учун эксклюзив интервью берди.

— “GSP+” дастури дунё мамлакатлари экспорт салоҳиятини кўтаришга имконият яратадиган энг яхши воситалардан биридир. Ушбу имтиёз Ўзбекистонга 6 мингта товарни ЕИ бозорларига бутунлай ёки қисман божхона тўловларисиз олиб кириш ҳуқуқини беради. Бу эса мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтирмоқда. Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев Президентлига сайланиши билан мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда кенг қамровли, улкан ислохотлар бошланди. Орадан 5 йил ўтиб, яъни 2021 йилда Ўзбекистон ЕИнинг “GSP+” махсус битимига қўшилди.

Ушбу мақомнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, у нафақат иқтисодий, балки сиёсий-ижтимоий соҳалардаги ислохотлар бўйича ҳам ҳамкорликка йўналтирилган. Ўзбекистоннинг “GSP+” дастурига қўшилиши бўйича тақдим қилган аризасига Европа Комиссиясининг муддатидан олдин ижобий қарори ҳам бежиз эмас, деб ўйлайман. Чунки Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда бошланган туб ва улкан ислохотлар мамлакатнинг халқаро майдонда эътироф этилишига сабаб бўлмоқда ҳамда бутун юртингиз бу йўлдан катта ишонч, сониқ ва қатъийлик билан оидимламоқда.

Таъкидланганимдек, Европа бозорига 6 минг 200 турдаги товарга нисбатан ушбу имтиёз қўлланилиши, аслида, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг деярли барчаси бундан фойдаланиши мумкинлигини аниқлатади.

Мамлакатнинг ЕИ ва Германияга экспорт қўламини мазкур дастурга аъзоликка қадар бўлган даврга нисбатан кескин ошган. Бироқ маҳсулотларнинг мамлакат ичида пухта қайта ишланиши ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, пахта хомашисини оладиган бўлсак, ҳозирги кунда унинг катта қисми мамлакатнинг ўзида тўқимачилик соҳасида қайта ишланиб, хорижага тайёр маҳсулот сифатида сотилмоқда. Бу, ўз навбатида, хорижий инвесторлар ва компаниялар учун Ўзбекистонни янада жозибador ишлаб чиқариш бозорига айлантирмоқда.

“GSP+” имтиёзлар дастури навбатдаги муддатга узайтирилгани Ўзбекистон учун икки томонлама катта фойда келтиради.

Бу, бир томондан, мамлакатдаги ислохотларнинг давом этишига чуккурлаштириш ва изчил давом эттиришни рағбатлантиради, бошқа томондан, мамлакат иқтисодиёти ва маҳаллий тadbиркорларга маҳсулот сифатини яхшилаб, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги бозорларни забт этиш имкониятини тақдим этади.

“GSP+” имтиёзлар тизими ислохотлар ўтказиладиган мамлакатларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон нафақат Марказий Осие, балки бутун дунё миқёсида ҳам мамлакат бозорини очилиши, ислохот қилиниши унинг иқтисодиётига қанчалик ижобий таъсир этишини ўз тажрибасида кўрсатиб берди. 2016 йилгача бўлган давр ва ҳозирги кундаги иқтисодий рақамларни солиштирадиган бўлсак, ўртадаги йирик тафовут ва катта ўзгаришларга гувоҳ бўлаемиз.

Мазкур дастурга аъзоликнинг навбатдаги муддатга узайтирилиши, ўз навбатида, мамлакатга катта маъсулият юклайди. Ислохотлар нафақат ўтказилиши, балки халқни ўзи билан етаклай олиши лозим. Ўзбекистон эса бу борада ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Биз бунини, айниқса, хусусий секторда юз бераётган ижобий ўзгаришларда кузатишимиз. Давлат иқтисодиётдаги улущини камайтириб, хусусий секторга кенг йўл очиб бермоқда. Хусусий, ўрта ва кичик бизнес корхоналари сонини кескин ошди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиёти яқин ва узоқ келажакда янада кучли ва рақобатбардор бўлишига замин яратяди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари ҳам узвий ривожланимоқда. Германиядан Ўзбекистонга экспорт ҳажми сўнгги йилларда кескин ошди. Ўзбекистондан ҳам Германияга импорт қўламини кенгайтирдик. Бироқ бу ҳали мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмоқда, дегани эмас. Сабаби, Ўзбекистон иқтисодиёти бутун янада замонавийлаштириш, янада диверсификациялаштириш керак, деб ўйлайман. Бунинг учун мамлакатда катта ишлар амалга оширилмоқда, яъни Германиядан импорт қилинаётган замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар, машиналар айнан мана шу мақсадларга хизмат қилади. Умид қиламанки, яқин келажакда мамлакат иқтисодиётининг экспорт қувватини янада ошди ва албатта, Ўзбекистондан Германияга экспорт ҳажми ҳам кўпаяди.

Жумладан, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқа товарлар экспортини истиқболли саналади.

Ўзбекистонда тўғридан тўғри денгизга чиқиш имконияти мавжуд эмас, бу эса логистика ва транспорт масалаларида ўзига хос ечимларни талаб қилади. Бунда яхши кўшничилик муносабатлари ўта муҳим. Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати ҳам таъсирчан сазовор.

Ўтган йили Берлин шаҳрида қўмитамиз томонидан ташкил этилган нуфузли тadbирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан икки маротаба учрашишга муяссар бўлдик. Биринчи маротаба давлат ташрифи ва галдагиси эса Федерал канцлер Олаф Шольцнинг ташаббуси билан “С5+1” форматда ўтказилган Марказий Осие — Германия саммити доирасида бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар яна бир марта Марказий Осие ЕИ ва Германия учун энг муҳим ҳамкор саналишини, Ўзбекистон эса минтақадаги ниҳоятда муҳим давлат эканини тасдиқлади. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон томонидан қўшничилик муносабатларини яхшилаш борасида эътиборга лойиқ ишлар қилинди. Айнан Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига сайланганидан сўнг хорижага биринчи давлат ташрифи қўшини давлат — Туркманистонга бўлгани бунинг исботидир. Биз бундай ижобий ўзгаришлар ва ривожланишларни кутаймиз.

Жорий йилда қатор немис компаниялари вакиллари, ишбилармонларидан иборат катта делегация билан Ўзбекистонга ташрифини режалаштирялмиш. Шу ўринда бизни ҳар бир режа ва ишмишда яқиндан қўллаб келатган Ўзбекистон дипломатия миссияси ва элчисига Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси номидан чуккур мўннатдорлик билдирдим. Элчихона билан йўлга қўйилган муваффақиятли ҳамкорлик натижасида икки мамлакат ишбилармон доира вакиллари ва компаниялари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатилга эришдик.

“GSP+” дастурига аъзолик навбатдаги муддатга узайтирилгани Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида барча соҳаларда кечаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро эътирофи сифатида баҳолаш мумкин. Бошқа томондан, ушбу имтиёз мамлакатда орта қайтмас ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини яхшилаш ва демократик ҳуқуқий жамият барпо этишга билдирилган юксак ишончдир.

“Дунё” АА Берлин

Ўзбекистон ташаббуслари амалда

Шу кунларда пойтахтимиз яна бир нуфузли тadbирга мезбонлик қилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ҳукумат раҳбарлари кенгашининг қарорига кўра, 2024 йилда Тошкент шаҳрига “МДҲ Ёшлар пойтахти” мақоми берилиши белгиланган эди. Ана шу халқаро лойиҳага бағишланган тантанали маросим МДҲга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ёшлари, ёшлар сиёсати ва маъсул давлат органлари, ННТ ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари билан иборат 200 дан ортиқ делегация аъзоларини жамлади.



ТОШКЕНТ — МУШТАРАК МАҚСАДЛАР МАНЗИЛИ



Хорижий делегациялар аъзоларининг биринчи манзили “Янги Ўзбекистон” боғи бўлди. Иштирокчилар бу ерда “Мустақиллик” монументи пойига гул қўйиб, боғ худудидаги дарахт экиш тadbирини қатнашди.

Ёшлар билан ишлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларни бириктириш, навқирон авлод вакиллари салоҳиятини ривожлантириш ва халқаро ёшлар ҳамкорлигини тақомиллаштириш бўйича тажриба алмашишга ердан беришни кўзда тутувчи мазкур тadbир ёрқин воқеаларга бўй ўтмоқда.

Уч босқичда ўтказилган кўзда тутилган халқаро лойиҳанинг биринчи босқичи пойтахтимизда амалга оширилган ислохотлар ифодаси бўлиб билан бирга шу Ватан фарзанди сифатида қалбимизни гурурифтхорга тўлдирди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев. — Аждодларимизнинг жонажон Ўзбекистонини буюк мамлакатга айлантириш гоёсини, орузни бутун ушлаётгандек. Қолаверса, “Тошкент — МДҲ ёшлар пойтахти” деб эълон қилиниши бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди. Дунёнинг турли нуқталарида ҳар хил нотинчлигу низолар бўлиб турган бир пайтда Ҳамдўстлик мамлакатлари ёшларининг пойтахтимизда жам бўлиши юртимизда навқирон авлоднинг ҳар

олинди. Тadbир доирасида МДҲ Ёшлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатларнинг Жамоат бирлашмалари ёшлар форуми ўтказилди.

— Мамлакатимиз дунё ёшларини бириктираётган марказга айланиб бораётгани юртимизда амалга оширилган ислохотлар ифодаси бўлиб билан бирга шу Ватан фарзанди сифатида қалбимизни гурурифтхорга тўлдирди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев. — Аждодларимизнинг жонажон Ўзбекистонини буюк мамлакатга айлантириш гоёсини, орузни бутун ушлаётгандек. Қолаверса, “Тошкент — МДҲ ёшлар пойтахти” деб эълон қилиниши бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди. Дунёнинг турли нуқталарида ҳар хил нотинчлигу низолар бўлиб турган бир пайтда Ҳамдўстлик мамлакатлари ёшларининг пойтахтимизда жам бўлиши юртимизда навқирон авлоднинг ҳар

томонлама баркамол улғайиши йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг халқаро эътирофидир.

Ўзбекистонлик ёшлар томонидан намоён этилган технологик лойиҳалар тақдимоти, хунармандчилик ва тadbиркорлик кўргазмалари хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ёшлар жамоат ташкилотлари форуми доирасида ташкил этилган сессиялар навқирон авлод вакиллари сифати таълим, фан, инновация, волонтерлик ва экология соҳалари бўйича янги тажриба, маълумот билан таништирди.

— МДҲ ёшлар пойтахти сифатида илк бор Тошкент танлангани бежиз эмас. Бу барчамиз учун алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Қирғиз Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири ўринбосари Марат Тоғаев. — Чунки бутун Ўзбекистон қандай тараққиёт этаётганини барчамиз кўриб, кузатиб туришимиз. Мамлакатимизда ёшларнинг сифатли таълим олиши, ўз истеъдодини юзага чиқариши, салоҳиятини намоён этиши, спорт билан шугулланиши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ёшлар билан ишлаш бўйича эришилган салмоқли тажриба бутун улар кўрсатётган натижаларда акс этмоқда. Хусусан, мазкур тadbир ҳам юқори даражада ташкил этилган.

Яна бир манзил INNO технопарки бўлди. Мазкур технопарк ёшларнинг ўз лойиҳа ва гояларини амалга оширишни, ривожлантириш учун барча шароитларга эга замонавий ўқув-ишлаб чиқариш марказидир. Бу ерда меҳмонлар технологиялар соҳасида олиб бораётган ёшлар ва тажрибали мутахассислар билан танишиб, ўзаро фикр алмашди.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



2024 йил ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991-2016 йилларда ёшларга оид 25 та қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса, 2016 йилдан 2024 йилгача 100 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжатларнинг барчаси ёшларнинг орзу-истакларини амалга ошириш, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

ёхуд ёшлар сиёсати соҳасида шиддат билан ривожланаётган мамлакат



Дилнозахон КАТГАХОНОВА, Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам шундай ёндашув — илм эгаллайман, касб-хўнара ўрганаман, тадбиркорлик қиламан, деб ёниб турган фарзандларимизга янада кенг йўл очиб бериш мақсади устувор. Ушбу муҳим ҳужжатнинг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўбга чиқариши учун муносиб шартларни яратиш” деб номланган биринчи йўналиши 44 банддан иборат бўлиб, шундан 25 дан ортиғи бевосита ёшлар манфаатига қаратилгани фикримиз тасдиғидир.



мамлакатларнинг Ёшлар ишлари бўйича кенгашига, 2021 йилда эса Осиёда ўзаро ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Ёшлар бўйича кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Сўнги уч йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан мамлакатимизда Марказий Осиё ёшлар форуми, ШХТга аъзо мамлакатлар ёшлар кенгашининг 15-йиғилиши, ШХТ мамлакатлари ёшлари ўртасида “Энг яхши стартап лойиҳаси” танлови, Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми ўтказилиб, Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлар ташаббуслари пойтахти, 2022 йил туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили”, 2024 йилда Тошкент шаҳри биринчи МДХ ёшлар пойтахти, деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда ўтказилган Марказий Осиё ёшлар форуми, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ёшлари ўртасида “Энг яхши стартап лойиҳаси” танлови хорижий мутахассис ва экспертлар томонидан юқори баҳо-ланди.

Кувонарлиси, 2023 йилдаги Ёшлар тараққиёт индекси (Бросселл) кўра, Ўзбекистон 2023 йилда ёшлар сиёсати соҳасида энг тезкор суръатлар билан ривожланаётган мамлакат, деб эътироф этилди. Шу тариқа, ёшлар сиёсати борасида дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин олди.

Жадал тараққий этаётган мамлакатлар билан ҳаммадан бўлиш, Ўзбекистонимизнинг халқро ҳамжамиятидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олдимишда аниқ вазифалар турибди. Жумладан, БМТнинг “Иқлим ўзгариши бўйича ҳақли конвенцияси” доирасида Ёшлар конференцияси, “Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030” дастурини ишлаб чиқиш бўйича БМТ ҳузуридаги ишчи гуруҳнинг I йиғилиши, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар форуми, “Чегарасиз имкониятлар саммити”, Тошкент шаҳри 2024 йилда МДХ ёшлар пойтахти деб эълон қилинган муносабати билан ўтказилган тадбирлар каби кўпга халқро форум ва лойиҳаларни ўтказиш режалаштирилмоқда.

“Юртимизда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди” деган бош тамойил асосида бу йил ҳам соҳада кенг қўламли илохотлар давом эттирилмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида вертикал бошқарув асосида энг кўйи бўгин — маҳалладан бошлаб ёшлар билан ишларни давом эттириш, “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари”, “Беш ташаббус олимпиадаси” каби лойиҳа ва тизимларда янги ғоя ва мақсадларни амалиётга татбиқ этиш, ёшларнинг интеллектуал ривожланишига жиддий эътибор қаратиш, ўғил-қизларимиз замонавий касб ва соҳаларни ўзлаштириши, бизнес ва тадбиркорлик борасидаги қобилиятларини рўбга чиқариши учун барча масъул мутасаддилар, катта маблағлар жалб этилмоқда. Ишонимизки, 2024 йилда ёшлар билан ишлаш, уларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш бўйича яна бир янги довонни ошиб ўташим.

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ёшларга қарата “Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”, дея таъкидлайди. Бу сўзлар мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид сиёсатнинг асл ўзагини ташкил этади, десак янглишмаймиз. Зеро, Ватанимиз 19 миллиондан зиёд ёшларини асосий бойлиги деб билади, уларга суянади. Шу боис, Ўзбекистон халқро ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда “Ёшлар мамлакатини” сифатида эътироф этилмоқда.

Албатта, бунинг бир қанча омиллари бор.

Миллий қадриятларга асосланган модел

Авалло, Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш бўйича ўз тажрибасини яратди. Бу модел тўлиғича миллий қадриятларимизга асосланади ва дунёда ўхшаш йўқдир. Ҳар бир ўзбек оиласи ўз фарзандининг таълим-тарбияси, касб-хўнара эгаллаши, ҳалол меҳнат қилиши, уйли-жойли бўлиб, бахтли ҳаёт кечирishi учун қандай қайғурса, давлатимизнинг ёшлар масаласига ёндашуви ҳам худди шу қадриятларга таянади. Барча тоифадаги ўғил-қизларнинг интилиши ва қизиқишларини рағбатлантириш, қобилиятини рўбга чиқариш, илм эгаллаши, замонавий касб ва соҳаларни ўзлаштириши, меҳнат қилиши, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi йўлидаги илохотлар ўз мевасини бермоқда.

Ўтган 33 йиллик тарихимизда амалга оширилган кенг қўламли илохотлар таҳлили шундан далолат берадики, ёшларга қаратилган эътибор ва ғамхўрликни бошқа ҳеч бир соҳа ёки сектордаги ўзгаришлар билан қиёслаб бўлмайди. Мисол учун, ўтган вақт давомида юртимизда анъанага мувофиқ, йилларга 9 марта ёшлар ва баркамол авлод билан боғлиқ ишлар берилган. Бу йилларда қабул қилинган давлат дастурлари мазмуни ва амалга оширилган ишларни таҳлил қилганидан бўлса, сўнги йилларда илохотлар амалий тус олгани ва бу ижобий ўзгаришларни ҳар бир ёш ўз ҳаётида чуқур ҳис этаётганини кўрашимиз.

2018 йили қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” давлат дастури доирасида 2018-2020 йилларда 8 705 та бизнес лойиҳага жами 1 триллион 858 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилгани, натижада 42 минг 421 та янги иш ўринлари яратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Еки бўлмаса, 2020 йилдан ёшлар тадбиркорлигини кредитлашнинг янги тизими жорий этилиб, бугунга қадар 253 минг 789 ёшга 6,2 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилгани бу борадаги ижобий кўрсаткичлар йил сайин ўсиб бораётганини кўрсатади.



Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа

Шиддатли тараққиёт даврида ёш авлодининг давлат олдига қўяётган талаблари ортиб бораётган, касб-хўнара эгаллаш, олий маълумот олиш, бандлик масалалари ўткирлашаётган бир шартда барча қатлам ва тоифадаги фарзандларимизни қамраб оладиган, муаммолари билан шугулланадиган, керак бўлса, орзуларини рўбга чиқаришга қўмақлашадиган тизим яратиш ниҳоятда зарур эди. Айниқса, янги Ўзбекистонини барпо этишдек шиддатли ва узоқ мақсадли илохотлар шариҳида бусиз қўзланган марраларни забт этиб бўлмасди.

Шу боис, Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришганининг илк кунларида ёшлар сиёсатида янги, таъбир жоиз бўлса, янада ҳақлиқ ёндашувни, оталарча самимий муносабатни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари биринчи илмолаган ҳужжат ҳам “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бўлиб, ушбу муҳим тарихий ҳужжат ёшлар сиёсатида том маънода янги даврни бошлаб берди.

1991-2016 йилларда ёшларга оид 25 та қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса, 2016 йилдан 2024 йилгача 100 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатларнинг барчаси ёшларнинг орзу-истакларини амалга ошириш, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Масалан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар ўз аксини топди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг ваколатлари аниқ белгиланди. Шу билан бир қаторда, тарғибот-ташвиқот ишларидан, асосан, амалий вазифаларга ургу берилди.

2017 йил 30 июнь кунини мамлакат ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш мақсадида асосий мақсад ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Бу сана мамлакатимизда “Ёшлар кўни” деб эълон қилинди.

Жадал тараққиёт асоси

Ўзбекистон аҳолиси сезиларли даражада ўсмоқда. Шунга мувофиқ ёшлар нуфуси ҳам ошди. Бу, албатта, кишини қувонтиради. Негаки инсон капитали доим мамлакат тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Бугун

замонавий дунёда демографик муаммолар сабаб ишчи кучининг қамалиши оқибатида жозибадор виза тақлифлари ошаётгани беиз эмас. Шу маънода, Ўзбекистон тез ривожланаётган мамлакатлар сирасига қўшилди. Бу, ўз ўрнида, ёшлар сиёсатида янги босқичга чиқishi талаб этади. Айни сабаб туфайли ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишнинг кейинги босқичи ёшлар масалаларига эътибор ва муаммолар ечими давлат органи даражасидаги ташкилотни ташкил этиш эҳтиёжини вужудга келтирди.

2020 йили Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан илох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Шу вақтдан ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга масъул “вазирлик даражасида”ги тўлақонли ташкилот фаолият бошлади.

Эътиборли жиҳати, Ёшлар иттифоқи фаолияти ҳам сақлаб қолинди. Чунки ёшлар манфаатларини ифода этувчи нодавлат нотижорат ташкилот ёш авлод вакиллари томонидан таъсис этилгани ҳамда уларнинг ўзига тегишли экани билан ҳам аҳамиятли ва муҳимдир.

Ҳуқуқат эса ёшларга оид давлат сиёсатида уларни қўллаб-қувватлаган ҳолда янгица йўналишдаги ишларга жадал суръат берди. Ўзбекистон шариҳида ёшлар билан ишлаш, ёш авлод вакилларининг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш орқали мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда улар учун янги имкониятлар яратиш мақсадида юртимизда мутлақо янгица тизим шакллантирилди.

Президентимиз баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйиши учун барча зарур шартларни яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаб берди. Хусусан, “бугун туғилган бола улгайиб, ҳар томонлама баркамол волга етиб, жамиятда ўз ўрнини топиши, кексайганда эса муносиб фаровон ҳаёт кечирishi мумкин бўлган” яхлит тизим стратегияси илгари сурди.

Бу стратегия, энг аввало, шижоатли, креатив, жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммоларга инновацион ечимлар топа оладиган, юрт тараққиётини учун янги ғояларни илгари сурадиган ташаббускор авлод вакиллариини воюга етказишга қаратилди. Давлат ва нодавлат ташкилотлар орқали ёшларга оид сиёсат самардорлиги ва натижадорлигига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорлик Ёшлар ишлари агентлиги зиммасидаги муҳим вазифа этиб белгиланди. Қисқа вақтда бу таъриба ўз самарасини берди.

Мисол учун, ўтган йили агентлик томонидан Президентимизнинг 11 та фармонида белгиланган 40 та, 34 та қарориди белгиланган 162 та, 2 та фармойишда белгиланган 24 та, 18 та

йиғилиш баёнида белгиланган 65 та топшириқ ижроси сифатли ташкил этилди. Раҳбар ва масъул ходимларнинг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаб бориш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ёшлар билан ишлашнинг янгица бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳалларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Барча ёшларга тенг имкониятлар яратиш бериш учун “Ёшлар баланси” тизими яратилди. Бу борада бажарилган ишлар самараси ўлароқ, йигит-қизларнинг орзу-истаклари амалга оша бошлади. Биргина 2023 йилда “Ёшлар баланси” асосида ёшларимиз учта — “яхши”, “ўрта” ва “оғир” тоифаларга ажратиб олинди. “Оғир” тоифадаги ишсиз, давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигига муҳтож 400 мингга яқин ёшга кенг қўламли ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, улар 133 нафар вазир ва ўринбосарига, 6622 нафар ҳоким, сектор ва ташкилот раҳбарига беририлди.

Маҳалларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси томонидан 208 та туман (шаҳар), 832 та сектор, 9448 та маҳаллада ёшлар билан ишлаш ҳолати бирма-бир ўрганилди. Амалий чоралар натижаида “оғир” тоифадаги 146 минг ёш “яхши” тоифага ўтказилди.

Умуман олганда, мамлакат тарихида биринчи бор ёшларнинг муаммолари оммавий тарзда амалий ечим топа бошлади. “Ёшлар дафтари” орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари сонини 30 тага етди, мувофиқлаштириш кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунгача қисқарди. Маҳалларда “фуқаробай” ишлаш тизимига ўтилди. 2023 йилдан бошлаб “Беш ташаббус олимпиадаси”ни 4 йўналишда — маҳалла, мактаб, профессионал таълим ва олий ўқув юртиларида ўтказиш йўлга қўйилиб, жами 11,7 миллион йигит-қиз қамраб олинди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 5,5 миллионга кўтирди.

Ижтимоий-сиёсий фаол қатлам шаклланмоқда

Ижтимоий масалалари ҳал бўлган ёшлар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланаётгани кишини қувонтиради. Йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ҳуқуқий асослаш, уларни бу борада ҳам қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилди. Жумладан, парламентда ёшларнинг ўрнини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2020 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат ҳузурида Ёшлар парламентлари ташкил этилди. Ўтган сайловда Ёшлар парламенти 250 нафар аъздан иборат таркибда шакллантирилди.

Улар Қонунчилик палатасига киритилган 32 та қонун лойиҳаси юзасидан асосли тақлифлар билдириб, қонунлар тарғиботига бағишланган 128 та тадбирда, қўмиталарнинг 20 дан ортиқ назорат-таҳлил тадбирларида фаол иштирок этди. Бундай ўзгаришлар халқро таърибани ўрганиши ҳам тақозо этади.

Ўзбекистон тажрибасини ўртоқлаштириш, шу орқали таъриба алмашиш ҳам муҳим. Шу боис, Ёшлар парламенти аъзолари Россия, Қозғистон, Миср, Беларус, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларида ўтказилган ёшлар масаласига оид халқро тадбирларда иштирок этиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини бошқа давлатлар ёшларига етказди.

Тошкент — МДХ ёшлар пойтахти

Шу тариқа Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати чегаралари кенгайиб, халқро майдонга чиқмоқда.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрь кунини БМТ 72-сессиясига юксак миновардан туриб, сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб қамолга етишига боғлиқ эканини, ёш авлодини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни таъминлаштириш зарурлигини таъкидлар экан, шундай тақлифни илгари сурган эди: “Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шартда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқро конвенциясини ишлаб чиқишга тақлиф этилади”.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йили БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида Пандемиянинг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисидаги резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги тақлифи ўша йилдаги қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.

Шунингдек, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси, Туркий давлатлар ташкилоти, ШХТ, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби тузилмаларнинг олий минбарларидан туриб, илгари сурган 30 га яқин тақлиф ва ташаббуслар тизимини равишда амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон 2018 йилда ШХТ Ёшлар кенгашига, 2020 йилда МДХга аъзо



Таҳлил ва таққос

Жорий йил 8-9 апрель кунлари Президентимиз Жиззах вилоятига ташири доирасида ўтказилган йиғилишда сўнги 7 йил мобайнида тадбиркорликни ривожлантиришда эришилган натижалар ҳақида ҳам гапирди. Бу даврда Жиззахда катта ўзгаришлар юз берди, вилоятга 5 миллиард доллар инвестиция, жумладан, 3 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди, 2,5 мингта янги корхона ишга тушди.



ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

УЛАРНИ ИШГА СОЛИШ ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙДИ

Ана шундай тадқиқотлар Жиззахнинг 13 туманида иқтисодий туртки берадиган янги имконият ва захиралар мавжудлигини кўрсатди. Вилоят фаоллари билан ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари ушбу имкониятларни Зарбдор тумани мисолида тушунтирди ва мутасадди идораларга уларни ишга солиш учун 130 миллиард сўм ажратишга топшириқ берди. Зарбдор туманида тадбиркорлар кўтарган муаммоларни ҳал қилиш орқали 5 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, "Зарбдор парранда" корхонаси 12 та маҳалладаги мингта хонадонга 1 миллион бош жўжа тарқатиб, аҳолини товуқчиликка жалб этиш лойиҳасини ишлаб чиқди.

Туманда сотишга мўлжалланган қатор объектларга харидор топилмапти. Шу боис, ҳозиргача сотилмай қолаётган 10 та ва хусусийлаштириш дастурига киритилган 6 та объектнинг бошланғич баҳосини 10 фоизгача пасайтириб, 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш топширилди. Бу йўл билан қўшимча катта миқдорда маҳсулот ва даромад яратиш мумкин.

Вилоятда тоғли ва тоғолди майдонлар нисбатан кенг. Уларда жойлашган яилловларда чорвачиликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар бор. Масалан, йилга 20 минг тонна сут ва 5 минг тонна гўштни қайта ишлаш лойиҳаси тайёрланган, унинг умумий қиймати 28 миллион долларга тенг. Бундан ташқари, Зомин, Зарбдор ва Янги-ободда 11 мингта хонадонда ангул зотли қорамолни кўпайтириб, сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш режалари ишлаб чиқилган. Шу боис, йил якунигача мазкур лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Шароф Рашидов ва Зарбдор туманида биттадан йирик чорвачилик кластери ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Вилоятда тоғли ва тоғолди майдонлар нисбатан кенг. Уларда жойлашган яилловларда чорвачиликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар бор. Масалан, йилга 20 минг тонна сут ва 5 минг тонна гўштни қайта ишлаш лойиҳаси тайёрланган, унинг умумий қиймати 28 миллион долларга тенг. Бундан ташқари, Зомин, Зарбдор ва Янги-ободда 11 мингта хонадонда ангул зотли қорамолни кўпайтириб, сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш режалари ишлаб чиқилган. Шу боис, йил якунигача мазкур лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Шароф Рашидов ва Зарбдор туманида биттадан йирик чорвачилик кластери ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Одил ОЛИМЖОНОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бу эса, ўз навбатида, 45 мингта янги доимий иш ўрни очилшига имконият яратди. Тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сонини 10,5 миңдан 20 миңга етди ёки деярли 2 баробар ошди. Ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири шундаки, бир пайтлар аграр ҳудуд бўлган Жиззах бугун саноати ривожланган вилоятга айланди. Шу билан бирга, вилоятда иқтисодиётнинг янги босқичга кўтариш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли даромадларини ошириш учун мавжуд салоҳиятдан тўла фойдаланилмапти. Масалан, сўнги уч йилда ҳудудда йиллик айланмаси 1,10 ва 100 миллиард сўмдан юқори корхоналар сонини кўпайтган. Бу — ижобий ҳолат. Лекин ўрта корхоналар сонини ўсиш суръати кутганидан кўра бўлмапти.

Бир қараишда бу соддагина тадбирга ўхшайди. Лекин бунда аҳоли узоқча ишга қатнашмасдан, ўз уйида даромадли ва илмий таъминлангани мумкинлиги жуда муҳим. Қолаверса, бу лойиҳада нисбатан кам маблағ сарфлаб, катта натижаларга эришиш имконияти мавжуд. Чунки гап фақат мингта хонадоннинг ҳар бирига мингтадан жўжа бериш ва уларга зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бу лойиҳанинг тадбиркорликни ривожлантириш учун аҳамияти жуда катта. Бинобарин, бугун жўжа олган мингта хонадон ичидан бири-икки йил ичида қанчалик йирик товуқчи фермерларга айланиб кетиши учун шартин яратилмоқда.

Тумандаги ДМ-1 каналдан сув ичадиган Истикбол, Нурафшон, Намуна, Ғалаба маҳаллаларида сув тежовчи технологиялар қўлланилса, деҳқонларнинг минг гектар ерида, шунингдек, туман ёшларига бўлиб берилган 3 минг гектарда қовун етиштириш ва уни қайта ишлаш орқали 28 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти яратилади. Яна бир имконият ДМ-3 канали билан боғлиқ. Туманининг 12 минг гектар экин майдонини айнан шу каналдан ўзи оқар ёпиқ қувур усулида суви олади. Лекин бу каналнинг 160 километр қисми яроқсиз бўлиб қолган. Тегишли ташкилотларга мазкур канални таъмирлаш лойиҳасини келгуси йил инвестиция дастурига киритиш топширилди. Шунда 12 минг гектар экин майдонидан қўшимча маҳсулот олиш мумкин бўлади.

Инвестиция лойиҳалари

Хитойлик инвесторлар билан вилоятда қурилиш материаллари, кимё, энергетика, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика йўналишларида 4 миллиард долларлик 22 та лойиҳани амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган. Бунинг учун Зомин туманида саноат технопарки, Зарбдордаги Шодлик маҳалласида Жиззах саноат зонаси филиали, Зафарободдаги Чимкўрғон маҳалласида ва Шароф Рашидов туманидаги Тоқчилик маҳалласида саноат зоналари ташкил қилинади.

Хизмат кўрсатиш ва уй-жой қурилиши соҳаси — бандлик ва фаровонлик асоси

Хизмат кўрсатишнинг кенгайтириши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Жиззах вилоятида бу борада ҳам ишлатилмаётган захира ва имкониятлар кўп. Масалан, 10 та маданий мерос объектида "туризм ҳалқаси"ни яратиш, уларга туризм маҳалласи макомини бериш, ушбу объектларга борадиган йўллари таъмирлаш улардан фойдаланиш даражасини кескин оширади. Айтиш керакки, ҳозирги кунда Жиззах вилоятида 98 километр қисмидан кунга 40 миң автомобиль қатнайдди. Бу йўлнинг четиди бўш турган ерлар тадбиркорларга бўлиб берилса, 20 миң аҳолини доимий иш билан таъминлаш мумкин. Айдар-Ариасой кўллари тизимида туризм учун етарли салоҳият бор. Афсуски, ушбу имкониятдан самарали фойдаланиш борасида ҳам сезиларли натижа йўқ. Шу боис, уни рўйбга чиқариш мақсадида ҳукумат комиссияси тузилади.

Қишлоқ хўжалиқда ўта муҳим кўрсаткич бир бирлик экин майдонидан олинаётган маҳсулот миқдоридир. Бу борада Жиззах вилояти республика даражасидан қарий 2 баробар паст натижа кўрсатмоқда. Вилоятда саноатлашув даражаси кескин ўзгариши, асосан, 3 та тармок ҳисобига рўй берди. Яъни саноатнинг 80 фоизи автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш материаллари ҳиссасига тўғри келади. Жуда катта имкониятларга эга фармацевтика, чарм саноати, металлургия, мебелсозлик, электротехника каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор етарли эмас. Шу боис, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида уларнинг ҳиссаси жуда кам.

Томорқадан 50 миллион сўм даромад олиш манбаи

Жиззахда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун мавжуд 309 та маҳаллага лидертадбиркор — экспортчилар бириктирилиши белгиланди. Лидер тадбиркор — экспортчи учун ҳар бир маҳалла иختисослашувига асосланиб, томорқадан 50 миллион сўм даромад келтирадиган молиявий хизмат пакети ишлаб чиқилади.

Бино ва ишоотлар барпо этишда ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, вилоятда ишлаб чиқарилаётган базальт маҳсулотлар ички эҳтиёжини тўла қоплайди ва уни катта миқдорда хорижга экспорт қилиш ҳам мумкин. Бунинг учун маҳаллий базальт маҳсулотларни халқаро сертификатдан ўтказишга кўмаклашиш, қурилиш, ирригация ва коммунал хўжалиқдаги қурилиш нормаларида базальт маҳсулотдан фойдаланишни кўпайтириш чораларини кўриш тақозо этилади.

Аҳолига уй-жой қуриш ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. 2024 йилда вилоятда 4,5 миң хонадонни 118 та уй-жой қуриш режа қилинган. Лекин давлатимиз раҳбари бу етарли эмаслигини қайд этиб, уй-жой қурилишини кўпайтириш топширилгани берди. Жумладан, Дўстлик туманидаги барак уйлар ўрнида янги уй-жой қуриш таърибаси асосида қолган туманлардаги 2 миңга яқин эски уйлар ўрнида 50 миң хонадонни замонавий уйлар қуриш дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Ана шу камчилик ва хатолар вилоятда янги иш ўринлари яратиш ва тадбиркорлар сафини кенгайтириш, умуман олганда, тадбиркорликнинг янада кенгроқ ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодий туртки

Тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари вилоятга келиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилди, ютуқ ва камчиликларни, келгуси тараққиёт учун мавжуд имконият ва захираларни аниқлади.

"Зарбдор текстиль" корхонасида айтилган пайтда 800 киши ишлайди. Туркиялик инвестор бу ерда яна минг ўринли қувватларни ишга тушириш ва экспортни 50 миллион доллардан ошириш режаларини тузган. Минглаб янги иш ўринлари яратадиган ва маҳсулотини хорижга экспорт қиладиган бундай корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизми янада такомиллаштирилади. Мутасаддиларга экспорт ҳажми 50 миллион доллардан ошган корхоналарга айланма учун 10 миллион

Банклар лидер тадбиркорларга айланма учун 3 йил муддатта 1,5 миллиард сўмгача кредит ажратди, бюджет ҳисобидан агроном жалб қилиш, ўқитиш, маҳаллада йиғиш, сақлаш ва қуришти пунктларини ташкил қилиш учун 1 миллиард сўмгача грантлар беради. Хонадонларга Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 33 миллион сўмдан, "Бизнеса биринчи қадам" дастури доирасида эса 17 миллион сўмдан кредит ажратди. Кам ҳосил бераётган ерлар 50-100 гектардан йирик йил шаклида, қолгани 1-5 гектардан лотларга бўлиниб, мева-сабзавот экадиган тадбиркорларга берилди. Йирик майдонда деҳқончилик қиладиганлар қолган кичик майдон эгаларини ҳам шу йўналишга тортиши чоралари ишлаб чиқилди.

Европа ва ривожланган давлатлардан олим ва мутахассислар олиб келиб, бу соҳада илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсада мувофиқ. Президентимиз электр жиҳозлари ишлаб чиқаришини йўлга қўйган "Моно электрик" корхонасининг қасаначилик асосида кўзи оғиз 250 юрtdошимизни иш билан таъминлаш режасини намунали таъриб сифатида қайд этди. Мутасаддиларга бу борада Жиззах таърибасини кенгайтириш, шу каби қасаначилик

Янгича ёндашувлар

Навоийлик Шаҳзод Тўракулов ёш бўлса-да, айтилган вақтда ойига 1500 доллар даромад топмоқда. — IT соҳага кириб келганимга икки йилдан ошди. Дастлаб махсус курсларга қатнаб, соҳа сирларини ўргандим. Айтилган вақтда ёшлар технопаркида ўз жамоамиз бор ва бизнесни ривожлантириш бўйича махсус иловалар, тадбиркорлар учун веб-сайтлар яратамиз. Шунингдек, лойиҳамиз бор, яъни ITга қизиқувчи билимли ёшларга ишимизни ўргатиб, жамоамизга жалб этишимиз ва уларга ҳам ўз даромадида эга бўлишига кўмаклашамиз. Дастурлаш бўйича турли буюртмаларни ҳам бажаряпмиз. Ойига камида 1000-1500 доллар ва айрим вақтларда ундан ҳам зиёд даромад топмоқда-ман, — дейди Шаҳзод.

1,5 МИНГ ДОЛЛАР МАОШ Энди бу пулни уйда ўтириб топяпман

Навоийда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 700 дан зиёд ёш учун 5,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Вилоятда 30 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот ва хусусий сектор томонидан ҳар йили 4 миңга яқин ёшга IT соҳада таълим берилмоқда. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ҳам онлайн ўқув курслар очилиб, 21 миңдан зиёд ўқувчи ёш ўқитилмоқда. Бу борада Навоий шаҳридаги ёшлар технопаркида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган ва соҳага қизиқувчи ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. — Айтилган вақтда технопаркда нафақат вилоят маркази, балки олис ҳудудлардан келган ёшлар ҳам соҳа бўйича билим ва кўникмаларини оширапти. Улар IT, робототехника, лихотроника, график-дизайн, мобилроқфия, маркетинг ва сунъий интеллект йўналишларида таълим оляпти. Бу борада ривожланган давлатлар таърибаларини ҳам ўрганиб,

технопарк фаолиятига татбиқ этилди. Вилоятимиздаги тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ва уларга IT йўналишида реклама, маркетинг бўйича кўмак берилмоқда. Ҳозир 500 дан зиёд ёш қамраб олганмиз, — дейди Навоий вилояти ёшлар технопарки директори Абдор Абдуғаниев. Ҳудудларда IT-парк, ахборот технологияларига иختисослаштирилган мактаб ҳамда ўқув марказлари ташкил этилиши ёшлар учун яхши имконият. Улар томонидан илгари сурилаётган стартап гоялар юрт тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз. Жумладан, Хатирчи туманида бир неча маҳаллада IT-марказлар очилиб, уларда соҳага қизиқувчи ёшлар хорижий тиллар билан биргаликда веб ва мобил дастурлаш каби йўналишларда дастлабки билимларни эгалламоқда. Вилоят марказидан қарий 250 километр узоқда жойлашган Учқудуқ туманида ҳам бу-

гун IT соҳани ўрганаётган, дастурлаш илминини яхши ўзлаштириб, даромад олишни бошлаган ёшлар сонини кундан кунга ошиб бормоқда. Тумандаги IT-паркда график-дизайн, дастурлаш ва инглиз тилини ўрганишмоқда. Бу ерда ўтган йили 300 дан зиёд ва "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида эса 600 га яқин ёш сертификатли бўлди. Ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган ишсиз хотин-қизларни ҳам ушбу соҳага жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиб, даромад топишига кўмаклашилмоқда. Айтилган вақтда ўқув марказини тамомлаган шу тоифадаги 30 дан зиёд ёш онлайн фрилансерлик қилиб, даромад олишни бошлади. — Ахборот технологиялари соҳасида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳаларини бор. Мисол учун, биргина "Келажак касб эгалари" лойиҳасини доирасида ўтган йили вилоят бўйича 800 дан зиёд ёш IT



бўйича сертификатларга эга бўлди ва уларнинг ўқув курслари харажатлари тўлиқ ёшлар ишлари агентлиги томонидан қоплаб берилди. Ҳозирги кунда 1400 дан зиёд ёш IT йўналишида ўзини ўзи банд қилган ва муваффақиятларга эга. Айтилган вақтда "Бир маҳалла — икки нафар дастурчи" лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Бундан хорижий тиллар бўйича халқаро сертификатга эга ёшларни ҳам IT йўналишида ўқи-

Зомин, Бахмал, Шароф Рашидов ва Форшида ҳам уй-жой қуриш дастурлари бошланди.

Жорий йил сентябрь ойидан Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзачўл туманларини Жиззах шаҳри билан боғловчи Иржар — Дўстлик — Жиззах йўналишида тепловоз қатнови йўлга қўйилди. Натيجада ушбу туманлардаги 450 миң аҳолининг шаҳарга қатнашида энгиллик яратилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, жойларда боғча ва мактаблар қуриш, Жиззах шаҳридаги тиббиёт муассасалари ва кўприкларни таъмирлаш чора-тадбирлари юзасидан ҳам мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Умуман олганда, Жиззах вилоятида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, грантлар ажратиш учун қўшимча 300 миллиард сўм ажратиш белгиланди.

Келгуси режалар янада улкан

Барча вилоятларда чуқур ўйланган ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида режа қилинган тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар пойтахтда, салқин кабинетларда ишлаб чиқилмапти. Аксинча, Президентимиз вилоятлардаги тадбиркорлик объектларини ўз кўзи билан кўриб, муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича ечимларни тадбиркорлар ҳамда тегишли идоралар раҳбарлари билан биргаликда жойида муҳокамага қўйиб, кейин қарор қабул қилмоқда.

Жиззах вилоятига ташриф чоғида ҳам давлатимиз раҳбари Форши туманидаги "Basalt Uzbekistan" кластери ва Шароф Рашидов туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивини бориб кўрди. Тегишли маҳалласида хонадонлардан бирига кириб, томорқадан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш шартини ва даромадларини ўрганди. "ADM Jizzakh" автомобил заводи фаолияти билан танишди. Бу корхона йилга 100 миң донга энгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга.

Президентимиз "BMB Holding" компаниясининг Шароф Рашидов туманидаги агрологистика мажмуаси фаолияти ва Зарбдор туманидаги Лалмикор маҳалласида резавор мевалар етиштириш лойиҳалари билан ҳам танишди. Жиззах шаҳрида барпо этилган киберспорт аренасида ёшлар учрашди.

Охириги беш йилда Жиззах вилоятига 4 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритилган. 50 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 861 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Келгуси режалар эса бундан анча улкан. Вилоятда 6 миллиард 100 миллион долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Президентимиз ана шу лойиҳаларни амалга оширишни мўлжал қилган бир гуруҳ хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг тақдимотлари билан танишди.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятида йирик саноат ва энергетика объектлари қурилишига старт берди. Жумладан, Ғаллаорол туманида металлургияга иختисослашган саноат зонасини барпо этиш бошланди. У ерда арматура, пўлат шпалар, қувурлар, автомобиль кузови ва махсус техника воситалари ишлаб чиқаришга оид 500 миллион долларлик 7 та лойиҳа мавжуд бўлиб, жами 5 миңга иш ўрни яратилди.

Иккинчи лойиҳа — Форши туманида Хитойнинг "China Poly Group" ва "China Electric" компаниялари билан ҳамкорликда қуриладиган кўёш электр станцияси. Унга 350 миллион доллар сарфланади, станция 500 мегаватт қувватга эга бўлади. Станцияда йилга 1,1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиниб, 450 миң хонадоннинг энергия таъминоти яхшиланади. Станциянинг дастлабки 200 мегаваттлик қуввати шу йил якунида ишга туширилади.

Яқин истиқболда Шароф Рашидов, Форши ва Ғаллаорол туманларида яна 1660 мегаваттлик иссиқлик, шамол ва кўёш электр станциялари қуриш лойиҳалари тайёрланмоқда.

Президентимизнинг барча вилоятларга ташири қилинган тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мана шундай лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу тарих тадбиркорлик сафи кенгаймоқда, минглаб одамлар даромадли иш билан таъминланмоқда. Пировадидда эса аҳоли турмуш даражаси ошишига замин яратилди, тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ошиб борапти.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Таълим

ТИББИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



Мадамин МАДЗИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Хозирга қадар 60 дан ортиқ хорижий тиббиёт университети ва институти (Италия, АҚШ, Хиндистон, Португалия, Россия, Словакия, Украина, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Беларусь, Польша, Туркия, Малайзия, Покистон, Қозғоғистон, Қирғизистон) билан фан ва таълим йўналишларида алоқалар ўрнатилди. Бу узвийлик йилдан йилга ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг дастлабки уч ойида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида янада муҳим қадамлар ташланди. 22-23 январь кунлари Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Хитой Таълим вазирлиги томонидан Пекин шаҳрида ўтказилган ўзбек-хитой таълим форуми икки мамлакат олий таълим муассасалари билан алоқаларни янги босқичга кўтарди.

Хитойнинг Ухан университети билан меморандум имзоланди. Унда иммунология ва эпидемиология соҳаларида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш кўзда тутилган. Форумнинг "Тиббиёт ва фармацевтика" қисмида "Тиббий таълимни ривожлантиришда халқаро ҳамкорликнинг роли" мавзусидаги маъруза билан иштирок этдик. Шунингдек, Тяньжин Хитой халқ таъбири университети билан Хитой таъбири асосида халқ таъбири йўналишини ривожлантириш, доривор ўсимликларни ўрғаниш, таъбиотга таъбиқ этиш соҳаларида иш олиб борилади.

Амалий учрашувлар давомида икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида кўплаб қўшма таълим дастурларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди. Эндиликда 300 дан ортиқ талаба Хитойдаги нуфузли университетларда тахсил олиш имконига эга бўлди. Шу билан бирга, Ўзбекистонлик 100 дан ортиқ талаба учун грант дастурлари ташкил этишга доир келишувларга эришилди. Ўзбекистон ва Хитой олий таълим муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида Пекин декларацияси қабул қилинди. Бу олий таълим муассасалари билан институционал платформа яратиш, Хитой — Марказий Осиё таълим

Анджон давлат тиббиёт институтида истиқболли лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Энди хорижлик етук мутахассислар ўқув жараёнларида жалб қилиниб, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг академик мобилик дастурлари доирасида хорижга малака ошириш ҳамда янги билимларни ўзлаштиришга юборяпмиз.

ҳамкорлиги моделини шакллантириш, академик алмашинув дастурларини янада ривожлантириш, қўшма тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Жорий йилнинг март ойида Германиянинг Росток университети урология клиникаси директори, профессор Оливер Ҳакенберг институтида маҳорат дарслари, маъруза, амалий машғулотлар ўтди. Германиялик мутахассислар профессор-ўқитувчиларимиз билан биргаликда мураккаб жарроҳлик амалиётларида иштирок этди.

Фақат бугина эмас. 2023 йилнинг 29-30 ноябрь кунлари Минск шаҳрида ўтказилган "Беларусь — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва тиббиёт таълими" форумида икки мамлакат ўртасида тиббиётнинг қатор соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тиббий таълим ва илмий соҳаларда янги лойиҳаларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинган эди. Беларуснинг Гомел давлат тиббиёт университети вакиллари институтида бўлди. Учрашувда малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган "1+1" қўшма таълим дастури асосида клиник ординатуранинг

си асосиси, Тошкентдаги MESCA Foundation-National Eye Institute директори Никки Ҳафезнинг ташрифи давомида мазкур институт ҳамда Анджон давлат тиббиёт институти ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Унда томонлар ўртасида билим ва малака алмаштириш учун мана шу соҳада фаолият юритаётган шифокор ва талабалар ўзаро таъриба алмаштириш, илмий тадқиқотлар ва изланишларни ҳамкорликда олиб бориш ҳамда жаҳон миқёсида таъбиқ этиши масалалари ўрни олган.

Россиянинг И.И.Мечников номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт академияси билан мутахассислар ва талабалар алмашинувини ривожлантириш масалаларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида тиббий профилактика йўналишида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Уш давлат университети тиббиёт факультетининг 10 нафар талабаси институтидаги 4 Ҳафталик машғулотларга жалб этилди.

Госпиталь педиатрия кафедраси мудири М.Ғаниева АҚШнинг Чикаго шаҳрида жойлашган Росалин Франклин тиббиёт ва



офтальмология йўналишини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Янги ўқув йилидан клиник ординатуранинг офтальмология йўналишига қабул қилинганлар ўқининг 1-босқичини Анджон давлат тиббиёт институтида, 2-босқичини эса Гомел давлат тиббиёт университетида ўқийди. Икки олий таълим муассасаси ўртасида талабалар алмашинуви ва тор соҳа мутахассисларининг малака оширишни йўлга қўйиш масалалари бўйича ҳам келишувга эришилди.

Шароити, янгилаш фақат халқаро ҳамкорлар билан учрашувларга бой бўлмай, десам муболага эмас. Швейцариянинг "Light for sight" жамғарма-

фан университетидида "Болалардаги юқумли касалликлар ва болалар иммунологияси" йўналишларида малака ошириш дастурларида иштирок этиб қайтди.

Кўламин кенг лойиҳалар профессор-ўқитувчилар ва талабалар хориждаги нуфузли тиббиёт олийгоҳларида билим ва малака ошириш учун янгидан янги имкониятлар яратмоқда. Асосий мақсад юқаск салоҳиятга, билим ва тафаккурга эга мутахассислар тайёрлаш орқали аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришдир. Бу йўлда ишлаш ва изланишлар учун эса барча шарт-шароитлар бор.

Бугуннинг гапи

Таълим ўрганиш ва таъриба алмаштириш орқали билим, кўникма ва қадриятларини эгаллаш, интеллектуал, ижтимоий, ҳиссий ва жисмоний ривожланишни таъминлаш жараёнидир. У шахсни муваффақиятга, жамиятга ҳисса қўшишга ва касбий юқсалишларга тайёрлашда халқ килувчи аҳамият касб этади.



ИННОВАЦИОН ИЖОДКОРЛИК



Баҳодир МАЪМУРОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Илгари дастлабки эътибор ўқувчининг умумий саводхонлиги ва ҳисоблаш кўникмаларига қаратилган бўлса, бугунги таълим янада хилма-хиллашиб, кенг қўламли амалиётни, жумладан, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, мулоқот ва ҳамкорлик, инклюзив таълимни ривожлантиришга уруғ берилгани билан аҳамиятга эга.

Узоқ йиллар давомида таълим тизимида ўқитиладиган фанлар ва ўргатиш усуллари аънавий бўлиб, ресурслар чекланган эди. Бугун эса таълимнинг барча шакллари ва турларида интерфаол ҳамда амалий ёндашувларга таянилмоқда. Бунда экспериментал ўрганиш ва лойиҳага асосланган фаолиятга эътибор юқори. Таълим тизимида инновация ва ижодкорлик, танқидий-таҳлилий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини тарбиялаш олд планга чиқди. Бу орқали ёшларга фуқаролик масъулияти ва тўғрисида сийқини, бугун ва келажак авлодлар фаровонлигига ҳисса қўшувчи тўғри қарорлар қабул қилиш қоби-

лиятини шакллантиришга эришиш мумкин. Бонис, ахборот тизими шиддат билан ривожланиётган, ёшлар маънавияти ва камолотига салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб ғайриинсоний гоёлар ва мафқуралар атрофимизни ўраб олган бир даврда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболли, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ".

Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнида мамлакат ва халқ тақдирини, инсон манфаати илм-фан, таълим-тарбия самардорлигига боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу боис, таълимнинг барча бўғинларида унинг мазмунини такомиллаштириш, сифатини яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолаётди. Жумладан, олий таълим тизими зиммасига жаҳон стандартларига жавоб берадиган, замонавий билим ва юқаск ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган малакали кадрларни тайёрлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш вазифаси юқланган.

Мамлакатимизда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони кескин ошди. Ўқитишнинг турли шакллари йўлга қўйилди. Бу эса ўз-ўзидан улар ўртасида адолатли рақобат шаклланишига таъсир этмоқда.

Бу борада Бухоро давлат педагогика институтида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўқув жараёнида илгор хорижий таърибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагоглар ва илмий кадрларни хорижийнинг етакчи илмий-таълим даргоҳларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш кибалирга алоҳида ёндашилмоқда.

2023 йил давомида халқаро ҳамкорлик доирасида 20 дан ортиқ профессор-ўқитувчи мисли Туркия, Германия, Финляндия, Россиянинг энг нуфузли 1000 та ОТМ қаторида

Мамлакатимизда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони кескин ошди. Ўқитишнинг турли шакллари йўлга қўйилди. Бу эса ўз-ўзидан улар ўртасида адолатли рақобат шаклланишига таъсир этмоқда.

туровчи Насеттепе, Лайбнит институти, Нордик университети, Кералиа амалий фанлар университети, Қозон федерал университети-ларида стажировка ўтаб, малака ошириб келди. М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Истанбул университети-ларида хорижий профессор-ўқитувчилар маърузалардан ўқиб ўқув жараёнида

Институт фаолият бошлаганига эндигина уч йил бўлганига қарамай, илмий соҳада сезиларли ютуқларга эришилди. 2023 йил март ойида 4 та фан доктори (DSc), 23 та фалсафа доктори (PhD) ҳимояси амалга оширилди. Ҳозирги кунда институтининг илмий салоҳияти 31,7 фазини ташкил қилаётган бўлса, бу кўрсаткиччи йил охирига қадар 35 фазингача кўтариш режаси ишлаб чиқилган.

Таълимга "кеча ва бугун" мисолида қарасак, бугунги таълим ўсиб келаётган ёш авлодни зарур кўникма ва малака билан қуроллантириш орқали қўламин ўзгарувчан дунёда муваффақиятга қадим ташлаш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини кўраман.

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимида сифат ва адолатга, инновация ва ижодкорликка эътибор қаратилиши, малакали мутахассисларнинг жаҳон миқёсида рақобатдорлигини таъминлаш бугунги ва эртанги кун муваффақияти гаровидир.

Янги авлод кадрлари



Ойбек РЎЗИЕВ,
Тошкент муқимачилик ва энгил саноат институти ўқитувчиси

Президентимиз раислигида жорий йил 5 февраль кунини таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасида ўтказилган видеоселектор йўналишида олий таълим соҳаси бўйича айтилган фикрлар ҳар биримизни сергак тортирди, десам муболага бўлмайди. Хусусан, бакалавриятдаги ўнлаб йўналишлар меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги, кўп олийгоҳлар кредит-модульга ўтган бўлса-да, талабанинг қобилиятини юзага чиқарадиган тизим яратиш зарурлиги айтилди. Жорий йилда 122 та янги йирик лойиҳа бошланиши, бунинг учун яқин йилларда мураккаб технологияда ишлаш олаётган 10 минг муҳандис ва технолог кераклиги алоҳида таъкидланди. Бироқ олийгоҳларда бундай мутахассисларни тайёрлаш 20 фаздан ошмайtir.

Президентимиз Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2024 йилда ҳамкор ташкилотлар билан бирга замонавий конструктор, технолог, архитектор, муҳандис, энергетик каби еттихёк юқори касблар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган муҳит яратишга масул эканини қайд этди.

КЕЛАЖАКНИ ЯРАТИШДА ТЕХНОЛОГЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Таълим сифатини ошириш мамлакатимиз кун тартибиди турган энг муҳим масалалардан биридир. Унинг таъзимини ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқадиган етук мутахассислар етиштириш вазифаси турибди.

Технолог ким ва у нималарни билиши керак?

Технолог — ишлаб чиқаришни технология таъриблар бўйича қарорлар, кўрсатмалар, фармойишлар, услубий ва меъёрий материаллар асосида фаолият юритувчи шахс. У маҳсулотларнинг дизайни ёки маҳсулот таркибини, маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонанинг техник ривожланиш истиқболлари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш режимларини лойиҳалаш тизимлари ва усуллари билан белгилаб беради.

Бу каби вазифаларни бажариш учун технологдан қўйидаги кўникма ва билимлар талаб этилади: асосий технологик жиҳозлар ва унинг ишлаш тамойиллари, энг яхши маҳаллий ва

хорижий технологияларнинг техник тавсифлари ва иқтисодий кўрсаткичлари, стандарт технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш режимлари, хомашё ва тайёр маҳсулотларга қўйиладиган техник талаблар, стандартлар ва техник шартлар, ёқилғи, энергия истеъмоли стандартлари, компьютер ёрдамида лойиҳалаш тизимлари асослари, патент тадқиқотларини ўтказиш тартиби ва усуллари, ихтиро асослари, муҳандислик ва технология объектларининг техник даражасини таҳлил қилиш усуллари. Шунингдек, у замонавий ҳисоблаш воситалари, алоқа ва алоқа воситалари, технологик жараёнларни лойиҳалашда меҳнатни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар, техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича кўрсатмалар, шунга ўхшаш маҳсулотларни



ишлаб чиқаришнинг илгор технологиялари соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий корхоналар таърибаси, иқтисодий ёрдам қўнучилиги асослари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида назарий илмий ва амалий билимларга эга бўлиши шарт.

Фундаментал билим: илмий парадигма

Технологда юқлама кўп, у соҳада чуқур билим, малака ва таърибага эга бўлиши зарур. Билимини эса ёш технолог ўз-ўзидан эгаллай олмайд. Бунинг учун талабаларда фундаментал билимлар бўлиши лозим. Технологлар учун фундаментал билим фанлари физика, кимё, биология, информатика ва математикадир. Амалий таърибадан келиб чиқиб айтмоқчимизки, техника йўналишида олий таълим муассасаларига кираётган талабалар физика фанини ўқимасдан ҳам талабалар сафига қабул қилинмоқда.

Бунга сабаб — бошланғич база, яъни мактаб ва лицейларда ўргатилаётган билим олий таълимга кириш учун етарли эмас. Масалан, бир физик масалани ечишининг бир неча усули мавжуд. Тест масаласини туган мутахассисга бу ечим осон туюлади, лекин абитуриент учун мураккаб. Ушбу ҳолат бир неча йилдан буюн юз бериб келган сабабли олий таълимга кириш учун талабалар физика фанини ўқимай қўйди.

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган тест сновларида олий таълим муассасаларига кириш учун энг юқори кўрсаткич 189 балл. Техника йўналишига кириш учун эса 56,6 балл (умумий максимал баллнинг 30 фазини ташкил қилади) тўпласа ҳам тўлов-контракт асосида қабул қилиниши мумкин. Ушбу баллни тўллаш учун абитуриент физика фанини алоҳида ўқиши шарт эмас. Ҳолбуки, 2021 йил 19 март кунини Президентимизнинг "Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

қабул қилинган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан ўқувчилари ўзлаштиришдан орқда қолаётган мактабда соҳа фанлари бўйича дарс ўтилиши мақсада мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, ошкоралик даврида билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тузилаётган тест материаллари олий таълим муассасаларига тарқатилиши мақсадга мувофиқ. Бу ОТМ профессор-ўқитувчилари учун ҳам манфаатли: билимлар мустаҳкамланади, бундан ташқари, улар мактабларга бориб тушунирадиган материаллар тайёр бўлади, узлуксиз таълим тизими ҳам ўзини намоён қилади. Саралаш имтиҳони вақтида эса тарқатилган мисол ва масалаларнинг рақами ўзгартириб берилса, ишлашни билган абитуриент ҳеч қийинчиликсиз жавобларни топа олади.

"Яшил" иқтисодиёт — "яшил" энергия

Технологлардан энергиятежамкорлик бўйича алоҳида билимга эга бўлиш талаб этилади. 2019 йил 21 майда қабул қилинган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида барча техника олий таълим муассасаларида энергия тежамкорлиги юзасидан фанлар киритилишини тақлиф қилмоқчиман. Чунки бу билан талабаларда юртимиз умумий энергиясини тежаш тўғрисида фикрлаш маданияти шакллана бошлайди.

Ўзбекистонда электр энергияси тақчиллиги XXI аср аввалидаёқ кузатила бошланган бўлса-да, бу масалага кейинги етти йилда алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакат ана шундай тақчиллик шароитида яшаётгани давлат даражасида тан олинди. Энергетика соҳасини модернизациялашга доир яхил дастур доирасида 2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда энергия таъминоти манбаларини диверсификациялаш сийқатини тамал тошини қўйиб берди, дейиш мумкин.

Хулоса шуки, замонавий технолог ҳар томонлама билим, тафаккурли бўлиши зарур. Бунга тайёрларлик, юқорида таъкидлаганимиздек, мактабдан бошланади. Фан ўқитувчилари томонидан ўқувчиларга айнан нималарни ўргатиш, масалаларни қандай услубда ечиш бўйича малака ҳосил қилдириш учун алоҳида механизм яратиш керак. Шунда ёшларимизда фақат бизнес қилиш орқали эмас, балки кучли технолог бўлиш билан ҳам яхши даромад топиш ҳисси ўйғонади. Кучли технологларга эга давлатни эса бутун дунё тан олади.

Шукуҳ

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР НАТИЖАСИ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА АКС ЭТАДИ

Мақсад чиройли ҳисоботлар ёки қуруқ статистика эмас

Мамлакатимизда 15 апрель санаси “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ходимлари куни” этиб белгиланиши нафақат ижод аҳли меҳнати қадрланиши, балки соҳа тараққиётига давлат миқёсидаги эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Зеро, маданият ва санъат бошқа соҳалар ривожига туртки берувчи, юртни дунёга тез ва кенг танитувчи қудратга эга. Бугун ҳам ўз тараққиёт йўлидан илдам бораётган янги Ўзбекистон номини бутун оламга тараннум этишда айна йўналиш муҳим ўрин тутмоқда.

беҳад мамнун этмоқда, — дея суҳбатга кўшилади Ўзбекистон халқ артисти, “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони соҳиби Ражаб Адашев. — Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизни бутун дунёга танитадиган савияли фильмлар пайдо бўлган. Масалан, энг янги технологиялар ёрдамида суратга олинаётган “Баҳодир Ялангтўш” фильми лавҳаларини кўриб, кинематографиямиз ютуқларидан ғурурдандим. Ўзбек актёрларига хориздан ҳам тақлифлар кўпаймоқда. Ўтган йили ўзим “Қирғизфильм” студияси тақлифи билан “Беҳишт” фильмида суратга тушдим.

Бундан ташқари, озарбайжонлик Ширин Аҳмедовнинг “Юз қадам” фильмида ота ролини ўйнадим. У 2023 йилда халқаро кинофестивалда қисқа метражли фильмлар танловинда биринчиликка лойиқ топилди. Шунингдек, Москвада ўтган кинотанловда “Энг яхши роль ижрочиси” номинацияси ва диплом билан тақдирландим. Фурсатдан фойдаланиб, маданият ва санъат фидойилари, шу тизимдаги барча ходимларни касб байрамлари билан самимий қутлайман.

Маданият вазирлиги маълумотларига кўра, ўтган йили юртимизда 149 та киномаҳсулот яратилган. “Сени соғиндик, баҳор!”, “Ёшлар ва кино”, “Ёшлар кинокарвони” ва мустақиллигимизнинг 32 йиллигига бағишланган кинокарвон акциялари ўтказилди. Давр воқеликлари, долзарб масалаларни одамларга тезкор етказишда кино санъати муҳим ўрин тутди. Театр санъати эса таъсирчанлиги билан янада аҳамиятлроқ. Кейинги пайтларда театр

мухлислари сони ҳам сезиларли даражада ортаётгани қувонарли. Шу йилнинг февраль-март ойларида театрларимизга 30 мингдан ортиқ томошабин ташриф буюргани фикримиз тасдиғидир.

— Давлатимиз раҳбари маданият ва санъат, жумладан, биз, театр вакиллари-га барча имкониятларни яратиб бераётган пайтда нега маза қилиб ишламаслигимиз керак? — дейди Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов. — Касб байрамимиз нишонланадиган кунларни кўрмаган санъатимиз фидойиларининг руҳлари шод бўлсин! Улар билан Ўзбек театр санъати ҳамisha юксак эътирофларга сазовор бўлиб келган. Шундай экан, биз миллий театримизнинг ана шу нуфузини қослашимиз, саҳна



санъатига оид билимларимизни ёш авлодга беришга улғуриб қолишимиз керак.

Ҳа, миллатимиз ўзининг буюк санъат даргалари билан халқаро миқёсда хурмат-эътибор қозонган. Уларнинг муносиб

таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ҳам вазирликнинг доимий эътиборида. Чунончи, бугунги кунга қадар 400 га яқин маданият марказлари таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

“2021-2024 йилларда маданият марказларининг бинолари комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада 459 та маданият марказини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Соҳани рақамлаштириш мақсадида “Маданият марказлари” ягона портали яратилди, “Миллий танловлар” платформаси ишга туширилди. Чекка ва олис ҳудудлар аҳолисига маданият қўрсатиш мақсадида маданият бўлимлари 110 та “Damas” автомобили билан таъминланди.

— Туман маданият бўлими тасарруфидоғи 7 та маданият маркази 227 минг аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди Косонсой туман маданият бўлими мудири Гулнора Иззатуллаева. — Ўтган йили 16-“Замондош” маданият маркази 3 миллиард 658 миллион сўм маблағ ҳисобига капитал таъмирланди. Марказ 240 ўринли томошалар зали, 10 дан ортиқ машғулот хоналари, 180 миллион сўмлик 31 турдаги мусиқа асбоблари билан жиҳозланди. Бу ерда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган одамлар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, рубоб, доира, эстрада хонандалиги, рақс тўғрисида шугуллиниши мумкин.

Дарҳақиқат, яқин-яқингача жойлардаги тизим вакилларини моддий-техник имкониятлар етишмаслиги қийнаб келган. Айрим биноларнинг нураб қолгани ҳам рост. Аксарияти кимларнингдир бошқа мақсадларига хизмат қила бошлади. Бугун ҳаммаси бошқача. Давлатимиз томонидан маданият марказлари яна аввалги фаизини топишига, одамларнинг кўнгилочар масканига айланишига ҳаракат қилинган.

Маданият вазирлиги берган маълумотларга кўра, жорий йилда маданият марказлари ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактаблари 7 турдаги 1150 комплект миллий мусиқа чолғулари, маданият бўлимлари 80 та махсус автотранспорт воситаси, театрлар 8 та автобус ҳамда 16 та юк махсус автотранспорт воситаси билан таъминланади. 140 та бадий ҳаваскорлик жамоасига мусиқа чолғулари, саҳна либослари, техник жиҳоз ва ускуналар тўплами етказиб берилди ва бу орқали уларнинг имконияти янада кенгайди.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

2023 йилда Маданият вазирлиги томонидан мамлакатимизда қатор халқаро фестивал ҳамда конференциялар юқори савияда ўтказилди. Истеъдодли хонандаю созандалар, Ўзбекистон давлат филармонияси ижодий жамоалари хоризга 30 дан зиёд гастроль сафарларини амалга оширди.

Шунингдек, ўтган йил давомида юртимизда ЮНЕСКО, МДХ, ТУРКСОЙ, АЙСЕКО ташкилотлари билан ҳамкорликда 10 га яқин халқаро тадбир ташкил этилди. МДХ томонидан “2024 йил Самарқанд Хамдўстлик давлатлари маданияти пойтахти”, АЙСЕКО томонидан эса “2025 йил Самарқанд Ислом дунёси маданияти пойтахти” деб тасдиқланди.

Бугун соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг жаҳон маданият маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Маданият ва санъатнинг жамият ҳаётидаги таъсирини ошириш юзасидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, айниқса, “Маданий фаолият ва қарорлар, айниқса, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни, Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Ўтган йил якунида Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам маданият ва санъат соҳаси янада ривожлантириш бўйича қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Шундан сўнг икки муҳим ҳужжат — Президентимизнинг “Аҳолига маданият хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Бу ҳужжатлар фаолиятимизни янги bosқичга олиб чиқишда ўзига хос дастуруламал вазифасини ўтамоқда, — дейди маданият вазири Озодбек Назарбеков.

Соҳада фидокорона меҳнат қилаётганларни рағбатлантириш мақсадида Маданият вазирлиги томонидан “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони таъсис этилди. Ўтган йили турли сана ва байрамлар арафасида 250 га яқин соҳа фидойилари ушбу кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу йил ҳам 15 апрель куни 50 нафар маданият ва санъат ходими ана шундай эътирофга сазовор бўлди. Маданият ва санъат ходимлари касб байрами юртимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори соҳага кириб келаётган эртаими эгалари қалбида ишонч туйғуларини мустаҳкамлаган бўлса, катта авлод вакиллари-га қайта куч бағишлади, дейиш мумкин.

— Кейинги 8-9 йилда маданият, санъат, маънавият, маърифат, спортга катта эътибор қаратилаётгани биз, соҳа ходимларини



давомчиларини тарбиялаш мақсадида бугун барча вилоят ва туманларда Маданият вазирлиги тасарруфидоғи таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Бу эса чекка-чекка қишлоқлардаги истеъдодларини ҳам кашф этиш, уларни ўқитиш, янада ривожлантиришга кўмак бермоқда.

Президентимизнинг “Республикада миллий аския ва қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Марғилон шаҳрида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик санъати маркази ташкил этилди. 28 та аския тўғраги очилди, 5 та ҳажвий асарга давлат буюртмаси берилди, соҳада 11 нафар ижодкорнинг маҳорат мактаби йўлга қўйилди.

Шунингдек, бугун мамлакатимизда маданият марказлари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Улар аҳоли ўртасида маданиятни тарғиб қилиш, маънавият-маърифатни юксалтиришда алоҳида ўринга эга. Айни пайтда 837 та маданият марказида фаолият олиб бораётган тўғрақлар сони 5250 тага, уларда қатнашувчи ёшлар сони эса 52 мингга етди. Бу кичик кўрсаткич эмас. Ушбу марказларда 5000 дан ортиқ ҳаваскорлар жамланган. Маданият марказлари учун янги бинолар қуриш, реконструкция қилиш, капитал



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1202.
44595 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Гозиддинов
Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН MAЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

